



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Гулноза Алимжонова Исроилжон Қизи

Фаргона политехника институти тадқиқотчиси

ТЕХНОЭТИК МАДАНИЯТ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ

Аннотация

Мазкур мақолада техноэтик маданиятнинг мазмун-моҳияти, луғатларда тарифланиши ва концептуал аҳамияти тадқиқ этилган ва олий техник таълим талабаларида техноэтик маданиятни ривожлантиришнинг педагогик зарурати ёритилган.

Калит сўзлар: техноэтик, техника табиати, техноген цивилиз, детерминизм, компьютер технологиялари, техник билим, инженерия амалиёти.

Бугунги кунда техноэтик муносабат ва маданиятни шакллантириш орқали техникани яратиш ва технологиялардан фойдаланиш муҳитини инсонпарварлаштириш зарурати долзарблик касб этмоқда. Бу орқали ахлоқий мезонларни техникани яратиш, ундан фойдаланиш ва тасаррув этишда қўллаш ва эгалик қилиш масъулиятини англашга ундамоқда. Жамиятнинг ҳар бир бўғинида техника ва технологияларнинг имкониятидан оқилона фойдаланиш натижасида тубдан ўзгаришлар бўлаётганлигини кўриш мумкин. Техника имкониятлари натижасида инсон ҳаёти фаровонлашиб, узоғи яқин, оғири енгил бўлиб бораётганлиги намоён бўлмоқда. Шу билан бирга, техноген цивилизация ривожланиб бориши ортидан инсонни “машина”лашиб бориши, техникага қарам бўлиб бориши юзага келмоқда. Шу боис жамиятда техникадан рационал фойдаланиб, ундан фақат эзгу мақсадлар йўлида фойдаланишга қаратилган техноэтик маданиятни шакллантириш муҳим вазифалардан бирига айланмоқда. Бунинг учун таълим тизимида, ўқитишнинг қуйи босқичлариданок ўқувчи-ёшларда техникадан фойдаланиш маданиятини, техника этикасини шакллантириш ва бу орқали ёшларда инсонни техникага қарамлашиб боришидан сақлашга қаратилган



таълимни ривожлантириш талаб этилади. Шу билан бирга кадрлар тайёрлашда ҳам техноэтик маданияти юксак мутахассисларни тайёрлаш, айниқса, олий техника таълимида техника этикасини шакллантириш, бўлажак техникларда техноэтик маданиятни ривожлантириш зарурати ортиб бормокда.

Бугунги илм-фан тараққиётининг ҳар қандай ютуғи инсоният мушкулани осон қилишга, унинг муаммоларини қисман бўлса-да ҳал этишга хизмат қилиши керак. Шундай бўлпти ҳам: «йиллар давомида фазодан мустақил тарзда турли маълумотларни Ерга жўнатишдан тортиб табиий ва техноген ҳодисалар вақтида инсон кириши имконсиз жойларга ҳам етиб бораётган, жарроҳлар кўзи ва бармоқлари илғамайдиганэнг майда тўқималаргача батафсил ва хатосиз текшира олаётган айнан шу – катта-кичик сунъий онглаштирилган турли роботлар, машиналару ускуналардир. Аввалига хизмат кўрсатиш жойлари, беморлар ва ёлғизкексаларга кўмак учун ишлаб чиқилган бундай «темир одамлар» йилдан-йилга ҳар томонлама такомиллашиб, фикрлашда инсоният билан баҳслашишга шай турибди, гўё»[29;12]. Яъни бир даврлар ўзига қанот боғлаб учмоқни орзу қилганодамзон авлодлари бугун темирга «жон киритиш» устида бош қотирмоқда.

Бугунги кунда техника табиатини аниқлаш қай даражада муҳим эканлигини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Феномен сифатида техника машиналар ва меҳнат қуроли сифатида, техника иншоотлари ва ҳатто техника муҳити сифатида ҳам амал қилади. Зеро, «(устозлардан) таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши зарур», «Агар улар иш, касб-ҳунарга берилган бўлсалар, касб-ҳунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб-ҳунарга жалб этса, демак, улар касб-ҳунарнинг чинакам ошиғи бўладилар»[131;159-185]. Техниканинг феноменал хоссаларига техникада фойдаланиладиган билимлар, техникани муҳокама қилишда ишлатиладиган турли хил маданий «матнлар» ва кишиларнинг техник хулқ-атвори киради. Буларни билиш техника табиатини англашга ва ундан самарали фойдаланишга имкон беради. Техника табиати ва унинг гуманистик характерини таълим муҳитида ўрганиш ва ўргатиш масъулияти техноэтик маданиятни ривожланишига таъсир кўрсатади.

Техника хусусидаги мулоҳазаларга тафаккурнинг мазкур феномен ғояси ва моҳиятини аниқлаш, унинг маданият ва ижтимоий бориқдаги ўрнини тушуниш мажбуриятини юзага чиқаради. Ғарб олими Ж.Мартин фикрича, «бугунги кунда сайёраамизга етказилган зарар оқибатларини тугатишдан кўра сайёраамизнинг ўзини йўқ қилиб ташлаш осонроқ эканлигини тан олар экан, айти вақтда, «бу муаммони технология яратган, лекин унинг бирдан-бир ечими – технологиянинг ривожланишига монелик қилиш эмас, балки уни ҳар томонлама ривожлантиришдир. Технологиядан воз кечиш ёки унинг ривожланиш жараёнини тўхтатиш дунёни мисли кўрилмаган муҳтожликларга маҳкум этишдан бошқа нарса эмас... Табиат билан уйғун бўлган технологияларни танлаш ва ривожлантириш зарур»[90;123]. Демак, техника ва технологияни инсонийлаштириш, табиат ва инсон билан мувофиқ ҳолатга келтириш лозим. Айти вақтда, ҳозирги замон техноген цивилизациясини инсонийлаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишлар мураккаб вазиятларни юзага чиқармоқда.

«Техноэтик маданият» атамаси - бу техника ва технологияни яратиш ва фойдаланишда ахлоқий масъулиятни англадиган, унга ахлоқий баҳо берадиган маданият тури ҳисобланади. Техникани англаб етишнинг илмий усулидан ташқари



тарихий, аксиологик, методологик, лойиҳавий усулларига доир амалий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг мавжудлиги ҳам буни тасдиқлайди.

Олий техник таълим муассасалари талабаларида ривожлантириш талаб этилаётган техноэтик маданиятнинг икки асосий вазифаси, яъни, техниканинг табиати ва моҳиятини, унинг ахлоқий мақомини англаб етиш, шунингдек техника ва техноген цивилизация таъсирида вужудга келган инқироздан чиқиш йўллари юзага чиқмоқда. Яна бир методологик муаммо – техника этикаси доирасида техникани нотехникага: фаолиятга, техник оқилоналик шаклларига, кадриятларга, маданиятнинг муайян жиҳатларига редукциялаш ҳисобланади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун техноэтик маданият доирасида техника тушунчасига берилган таърифларга назар ташлашнинг ўзи кифоя қилса керак.

Техника – бу мақсадларга эришиш воситаси, инсоннинг муайян фаолияти ҳисобланади. Айрим таърифларда ғоялар ва уларни рўёбга чиқаришнинг ролига, муайян кадриятларнинг аҳамиятига урғу берилади. Масалан, Х.Бек фикрича, «техника табиатни инсон руҳи воситасида ўзгартириш[197] ва инсон хоҳиш-истагига моддий тус берувчи ҳамма нарсадир. Бошқа бир олим Ф.Дессауэр фикрича, техника ғояларнинг реал борлиғи бўлиб, у табиий материаллар ва предметларга ишлов берилиши натижасида вужудга келади»[161;45]. Шунинг қайд этиш лозимки, техника тушунчасига берилган бундай таърифларнинг барчасида унинг моддийлашуви юз беради, яъни техника гўёки ғойиб бўлади ва унинг ўрнини фаолиятнинг муайян шакллари, кадриятлар, инсон руҳи, маданиятнинг турли хил жиҳатлари эгаллайди. Баъзан техника субстанция сифатида эмас, балки ҳар қандай инсон фаолияти ва маданиятнинг теран ва оламшумул жиҳати сифатида намоён бўлади.

Компьютер технологиялари, ахборот-коммуникация воситаларининг таълимда жорий этилиши билан таълим олувчи ва таълим берувчи субъектларнинг фаолиятларида кескин бурилиш жараёни содир бўлди. Чунки ахборот технологиялари орқали вақтнинг тежалиши, сифатли ва самарали таълим олиш, содир бўлаётган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг айна пайтида хабардор бўлиш имкониятларининг ошиши таълимнинг янги қиёфага кўтарилиши, тарбия жараёнининг эса долзарбланишига олиб келди. Ривожланган мамлакатларнинг таълим даргоҳларида таълим берувчи профессор-ўқитувчиларнинг ўрнига роботларнинг дарс жараёнини олиб бориши таҳсинга сазовордир. Лекин глобаллашув жараёни даврида техника ва технология тараққиёти инсон онги ва дунёқарашидан анча илгарилаб кетмоқда. Айна пайтда техникатараққиёти натижалари бўлмиш замонавий технологиялар таълим ва тарбия жараёнларида ютуқларга ва самарали натижаларга эришиш омили бўлиш билан бирга унга маълум даражада салбий таъсир ўтказиш воситаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Ҳозирги замон одами техникада табиат қонунларининг амал қилишини ва ўз муҳандислик ижодини кўра бошлайди. Бу ерда гап техниканинг алоҳида талқини ҳақида эмас, балки унинг маданий мавжудлиги ва борлиғи ҳақида боради. Техника бир «мантик»қа мувофиқ руҳ каби яшайди, бошқа бир «мантик»қа мувофиқ илоҳий ижод маҳсули сифатида намоён бўлади, яна бир «мантик»қа мувофиқ эса табиат жараёни сифатида амал қилади. Маданиятда техника «эхтиёж ва зарурият қонунлари»га мувофиқ эмас, балки ғоялар, онгнинг маданий шакллари, дунё ҳақидаги тасаввурларнинг мавжудлик мантикига мувофиқ яшайди ва ривожланади. Мана шу мантикнинг нотўғри талқин қилиниши, техниканинг гуманитарistik функцияларини



ўзгариги, инсонга қулайликлар ратишдан, уни бошқаришга, ҳукмронлик қилишга ўтиб қолиши техноэтик маданиятни ривожлантириш вазифаларини долзарблаштиради.

«Техноген цивилизация инсониятга жуда кўп ютуқлар келтиргандай бўлган эди..., – дейди В.С. Степанов. – Кўпчилик одамлар яхши келажаққа бўлган ўз орзу-умидларини шу цивилизация тараққиёти билан боғлаган эдилар. Атиги ярим аср олдин айнан техноген цивилизация инсониятни ўзини ўзи ҳалок этадиган, жар ёқасига олиб келиб қўядиган глобал кризисга дучорэтишини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаган эди»[129;18]. Ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари бугунги куннинг ютуқларидан баҳраманд бўлиш билан бирга унинг салбий таъсирларидан ҳимояланиш жараёнларига нисбатан инновацион ёндашувни шакллантиришни тақозо қилмоқда. Умуман олганда эса ХХІ аср бошланишига келиб, нафақат файласуф мутафаккирлар, балки олимлар ҳам глобал инқироз, инсоният ва маданият ҳалокати тўғрисида илмий хулосаларни олдинга сурмоқдалар. Масалан, Кембриж университети математика ва назарий физика кафедраси раҳбари бўлган, Нобель мукофоти совриндори Стивен Хокинг [206] Ер аҳолиси сонининг кескин ортиб кетиши оқибатида инсоният ҳаёти берк кўчага кириб қолганини эълон қилди. Эндиликда, унинг фикрига кўра, инсоният олдида икки йўл ёдро уруши ёки инсоният Ўрта асрлар даврида яшагандек яшашга ўтиши қолди. “Лекин мен пессимист эмасман, шунинг учун фан олимлари бумуаммонинг ечимини топади деб ўйлайман»[129;18], – деган у.

Табиий фанларда табиат қонунларига тавсиф бериш, табиат кучи ва энергиясини ажратиш ва улардан изчил фойдаланиш имкониятини берувчи шароитлар яратиш, ниҳоят, техника ишланмалари асосида инсон эҳтиёжлари қондирилишини таъминлашга қодир бўлган саноатни яратиш ҳам технологик юксалишнинг бир кўриниши ҳисобланади. Шу билан бирга, техника ва технология тушунчаларини ажратиш ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, айрим тадқиқотчилар техника ва технология тушунчаларини айниқлаштирадилар, баъзи муаллифлар техника ва технология бутунлай бошқа-бошқа ҳодисалардир [152;20-29], деб ҳисоблайдилар.

Таҳлил уч асосий феномен: *техника, тор маънодаги технология ва кенг маънодаги технологияни* ажратиш лозимлигини кўрсатади. Технология тушунчасининг тор талқини, масалан, «Политехника луғати» ва Катта энциклопедик луғатда келтирилган: бу хом ашё, материаллар, оралиқ маҳсулотлар, саноатда ишлатиладиган ашёларни олиш, уларга ишлов бериш ёки уларни қайта ишлаш қоидалари, методлари ва усуллари йиғиндиси саналади. Технология инсон мавжудлиги ва турмуш тарзида марказий ролни ўйнай бошлади, шу туфайли ҳам у инсоннинг фундаментал тавсифи сифатида ўрганилиши лозим. Технология ҳақида мулоҳаза юритганда, тегишли сўз ҳар хил маъноларда ишлатилишини эътиборга олиш керак.

«Технология» қуйидаги нарсаларнинг исталган бириги тегишли бўлиши мумкин:

- a) техник билим, қоидалар ва тушунчалар мажмуига;
- b) инженерия амалиёти ва бошқа техника касблари, шу жумладан касбга доир муайян позициялар, техник билимларни қўллашга доир қоидалар ва меъёрларга;
- c) ушбу амалиётдан келиб чиқадиган физик воситалар, асбоб-ускуналарга;



- d) техник ходимлар иши ва жараёнларни йирик (индустриал, ҳарбий, тиббий, коммуникацион, транспортга оид ва ҳ.к.) тизимлар ва институтларга бирлаштириш ва ташкиллаштиришга;
- e) технологик фаолиятнинг мужассамлашуви натижаси саналган ижтимоий ҳаёт хусусиёти ва сифати ёки «технологик шароитлари»га[205;8-10] таянади. Зеро, «моҳият эътибори билан атрофимизда аста-секин яратилаётган муҳит энг аввало Машина оламидир. Техника ўзи сўзнинг том маъносига муҳитга айланади... Ҳозирги замон санъати шу янги муҳитнинг ўзагидир... Эндиликда санъат техник борлиқнинг инъикосидир...»[166;29-30].

Ҳозирги вақтда техноэтик маданиятни шакллантириш билан боғлиқ бўлган бир нечта муаммо муҳокама қилинмоқда. Бош муаммолардан бирини биз юқорида таърифладик: бу технологиянинг табиатини англаб етиш муаммоси ҳисобланади. Ҳар қандай технологик янгилик муайян муаммони ечиш ёки инсоннинг алоҳида мақсадига хизмат қилиш учун мўлжалланади. Шундан сўнг қуйидаги саволлар туғилиши мумкин: дастлабки мақсад ижтимоий мақбулми, мақсадлар эзгуликка қаратилганми, инсон фаровонлиги учун хизмат қиладими, лойиҳани техник жиҳатдан бажариш мумкинми, ихтиродан белгиланган мақсадларга эришиш йўлида фойдаланилаётганими[205;12]. Бу нуқтаи назар техниклар ва муҳандислар орасида кенг тарқалганига қарамай, ҳозирги вақтда у танқид қилинмоқда.

Адабиётлар

1. Авлакулов А.М. Техноген цивилизация ва таълим-тарбия жараёнлари. -Тошкент.: 2016.
2. Собиров Б. Ўқувчиларда ижтимоий тушунчаларни шакллантиришда инновацион усуллардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Пед. фан. ном. дисс. –Тошкент 2009.
3. Мартин Ж. Телематическое общество. Вызов ближайшего будущего // Новая технократическая волна на Западе. – Москва.: Наука. 1986. –С. 123.
4. Кессиди Ф.Х. Глобализация и культурная идентичность// Вопросы философии, № 1, 2003.
5. Шермухамедова Н. Техника фалсафаси // Ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент.: ЎзМУ. 2013.
6. Степин В.С. Эпоха перемен и сценарии будущего. – Москва.:Наука 1996. –С. 147.
7. Bakhromovich, S. I. (2018). Social and philisophical performance of making youth's intellectual culture. *European science review*, (7-8).
8. Сиддиков, И. Б. (2019). Государственная политика в отношении молодежи в Узбекистане: национальный опыт и реальная необходимость международных инициатив. In *Условия социально-экономического развития общества: история и современность* (pp. 38-43).